



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2023  
1-сон



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-ракам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

профессор **Д.Х.Асланова**

**Масъул котиб:**

профессор **М.Қ.Пардаев**

**Муҳаррирлар:**

**Ф.А.Сафаров**

**Ш.З.Ўрозов**

**Техник муҳаррир:**

**А.Н.Холиқулов**

**Корректор:**

**С.А.Бабаназарова**

**Саҳифаловчи:**

**Ҳ.Н.Очилова**

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида  
тарқатилади.

**Тахририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

[samisiservis@mail.ru](mailto:samisiservis@mail.ru)

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар  
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-  
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ Самарқанд филиали директори,  
иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Р.Болтабаев** – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва  
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ декани, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ доценти, и.ф.д.

<b>ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС</b>	
<b>Илхом Ачилович Усманов</b> Қурилиш соҳасида ўз-ўзини тартибга солишнинг жаҳон тажрибасини қўллаш	76
<b>Юлдуз Пирназаровна Урунбаева</b> Мухим стратегик вазифаларни ҳал этишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни	80
<b>Фарход Анварович Сафаров</b> Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида инновацияларни жорий этиш ҳолати ва истиқболлари	85
<b>Насиба Раҳматуллаевна Эргашева</b> Аутсорсинг хизматларининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти	91
<b>ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Зарина Улугбековна Ташкенбаева</b> Важность создания положительного имиджа туристических организаций на рынке	96
<b>Бехзод Бахтиёр ўғли Бекназаров</b> Маданий мерос объектларига ташриф буюрувчилар ҳолати ва таҳлили	100
<b>Adxam Anvarovich Karshiyev</b> Turizm sohasini strategik rivojlantirishning ahamiyati	106
<b>Zokirjon Erkinovich Mamarasulov, Izzatillo Xikmatilloevich Shukurov</b> Turistlar marshrutlari uchun ovqatlanish ratsionini takomillashtirish	110
<b>Бекназар Абдуҳалилович Султонов</b> Самарқанд вилоятида гастрономик туристлар хулқ-атвори таҳлили	115
<b>Азиз Қаҳрамонович Тўхтамишов</b> Туризм соҳасида кластерлар ривожланишининг омиллари ва йўналишлари	119
<b>Хонкул Қаҳхарович Самаров</b> Миллий маданий мерос объектларидан фойдаланиб туризмни ривожлантириш истиқболлари	124
<b>КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК</b>	
<b>Gulnora Mardiyevna Shadiyeva</b> The concept of "family economy", its development	129
<b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ</b>	
<b>Шоира Азимовна Мусаева, Дилфуза Илхомовна Усмонова</b> “Sam antep gilam” МЧЖида маркетингни бошқариш элементларини янада ривожлантириш йўллари	134
<b>Абдуҳолик Эгамович Тангиров</b> Бизнес-моделларини ишлаб чиқиш	140
<b>Наврўзжон Тўхтамишович Махкамов</b> Корхоналарни барқарор ривожлантиришда сифат менежменти тизимининг роли	145

3. Мухаммедов М.М., Урунбаева Ю.П. Аҳоли турмуш даражасини шакллантириш омиллари ва ошириш истиқболлари. Рисола. «Зарафшан», 2010. -131 б.
4. Пардаев М.Қ. Урунбаева Ю.П ва бошқалар Covid-19 Пандемиянинг хизмат кўрсатиш соҳасига таъсири ва уни бартараф қилиш йўллари. Могография. – Т.: “Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи”, 2022, -516 б.
5. Урунбаева Ю. П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. Монография. Тошкент.: «ФАН», 2013.- 156 б.

Ю.Урунбаева	Yu.Urunbaeva
<b>Роль сферы услуг в решении важных стратегических задач</b>	<b>The Role of the Services Sector in Addressing Important Strategic Challenges</b>
<p><b>Аннотация:</b> в статье представлен анализ сущности сферы услуг и социально-экономического значения ее опережающего развития, структурный состав занятости населения в сфере услуг. Некоторые данные сравнивались с областями Узбекистана и Самарканда.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> национальная экономика, постиндустриальное общество, экономическая система, материальное производство, услуга, платные услуги, безвозмездные услуги, конкуренция, цифровая экономика, инновации, модернизация, уровень жизни населения, качество жизни, пандемия, спрос, потребление, сбережения населения, заработная плата, доходы населения.</p>	<p><b>Abstract:</b> the article presents an analysis of the essence of the service sector and the socio-economic importance of its rapid development, the structural composition of the population's employment in the service sector. Some data were compared with the regions of Uzbekistan and Samarkand.</p> <p><b>Keywords:</b> national economy, post-industrial society, economic system, material production, service, paid services, non-paid services, competition, digital economy, innovation, modernization, standard of living of the population, quality of life, pandemic, demand, consumption, population savings, wages, incomes of the population.</p>

**Фарход Анварович Сафаров** – СамИСИ доценти в.б., PhD

### ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

<p><b>Аннотация:</b> мақолада хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишида инновацияларнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида фикр юритилади. Унда мамлакатимиз корхоналарида инновацияларнинг жорий этилиши ҳолати уларнинг турлари кесимида кўриб чиқилган. Шунингдек, хизматлар соҳасига хос бўлган инновациялар келтириб ўтилган. Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда тегишли хулоса ва таклифлар берилган.</p> <p><b>Калит сўзлар:</b> инновациялар, хизмат, маҳсулотли инновациялар, жараёнли инновациялар, ИТТКИ, ахборот технологиялари.</p>
---

**Кириш.** Бугунги кунда ҳар қандай иқтисодиётнинг ривожланиши янги истеъмол қийматини яратиш, молиявий натижаларни яхшилаш ва самарадорликни ошириш учун ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол жараёнларида янгиликлардан фаол фойдаланишга асосланади. Шу билан бир қаторда, инновациялар ҳаёт сифати ва хавфсизлигини ошириш ҳамда атроф-муҳитга салбий таъсири камайтириш орқали жамият фаровонлигига ўз хиссасини қўшади. Ортиқча ишлаб чиқариш қувватлари, рентабелликнинг пасайиши, бюджет тақчиллигининг ортиши ва даромадларнинг камайиши билан ажралиб турадиган ўтган асрнинг 80-йилларининг бошидаёқ дунёнинг кўплаб иқтисодиётлари аста-секинлик билан курила бошлаган. Бунда интернет инновацияларга асосланган шаклланаётган янги иқтисодиётларни ривожлантириш учун инфратузилма бўлиб хизмат қилди.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** "Инновация" тушунчасини таърифлаш бўйича турли тадқиқотчиларнинг нуқтаи назарларини гуруҳлаш натижалари шуни кўрсатадики, мазкур тушунча учта ёндашув гуруҳига ажратилган ҳолда ўрганилади. Биринчи ёндашувга кўра, инновация эскиларини алмаштириш учун янги маҳсулотлар, элементлар, ёндашувлар, тамойилларни жорий этиш жараёни сифатида қабул қилинади<sup>123</sup>. Иккинчи

<sup>1</sup> Санто Б. Инновации как средство экономического развития/Б. Санто. — М.: Прогресс, 1990. — 296 с.

<sup>2</sup> Твисс Б. Управление научно-техническими нововведениями/Б. Твисс. — М.: Экономика, 1989. — 271 с.

<sup>3</sup> Никсон Ф. Роль руководства предприятия в обеспечении качества и надежности стандартов / Ф. Никсон. — М.: Изд-во стандартов, 1990. — 317 с.

ёндашув инновацияни янги маҳсулот, технология ёки усул шаклида ифодаланган ижодий ёндашувнинг якуний статик натижаси сифатида қабул қилади<sup>12</sup>. Учинчи ёндашув инновацияни ҳам жараён, ҳам натижа сифатида кўриш керак, деб ҳисоблайди<sup>3</sup>.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) ўз манбаларида инновацияни янги маҳсулот ёки хизматни бозорга киритиш, янги ишлаб чиқариш жараёнларини тадбиқ этиш, маҳсулот ёки хизматлар, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шакллари ёки фаолият турларини илгари суриш, янги бозорларни ташкил этиш ёки янги жараённинг жорий бозор ва мавжуд бозорларда катта улушини қўлга киритишга қаратилган саъй-ҳаракатлар сифатида таърифлайди<sup>4</sup>.

Корхоналарда инновация тушунчаси энг аввало илғор ғоялар, ишланмаларни инобатга олиши лозим. Бундан ташқари, фан ва техника ютуқлари, технология ва янги ихтиролар ҳам инновациянинг таърифида ифодаланиши мумкин. М.Қ. Пардаевнинг фикрича, инновация дейилганда, илғор ғоялар асосида амалга оширилган ишланмалар натижаларининг фан ва техника ютуқлари, илғор технология ва янги ихтиролар сифатида турли соҳаларда (иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётимизда, бошқарув тизими кабиларда) қўлланиши билан боғлиқ ҳодиса тушунилади<sup>5</sup>. Мазкур таъриф барча соҳалар, даврлар ва субъектларнинг манфаатларига мос келувчи универсал таъриф ҳисобланади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот давомида илмий адабиётларда келтирилган назарий материалларга асосланган ҳолда мантқиқий таҳлил усулларидадан фойдаланилди. Мавжуд маълумотларни таҳлил қилишда индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил каби услублар ва ёндашувлар қўлланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Аксарият мамлакатларда инновацион ривожланиш амалиёти кенг қулоч ёймоқда, яъни инновацияларни иқтисодиётга изчил жорий қилиш ЯИМнинг ўсишида ўз самарасини намоён қилади. Масалан, инновациялар АҚШда мамлакат ЯИМни 1980 йилдан 2021 йилгача бўлган муддатда 31% дан 34,6% га қадар оширишга замин яратди. Европа мамлакатлари иқтисодиётига инновацияларнинг етарлича кенг жорий қилиниши ЯИМ кўрсаткичини 45,5% дан 50% гача ошириш имконини берди. Хизматларнинг ЯИМдаги улуши етарлича юқори бўлган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасида инновацияларни ривожлантириш долзарб вазифа саналади, чунки ушбу мамлакатларнинг илмий-техник салоҳияти унчалик ҳам юқори эмас<sup>6</sup>.

Ўзбекистонда инновациялар ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосини ташкил қилади. Шу боис, мазкур диссертацион тадқиқот доирасида Ўзбекистонда инновацион тараққиётнинг хизмат кўрсатиш соҳаси ривожига таъсир этувчи омил сифатида таҳлил қилиш вазифасини ўз олдимишга мақсад қилиб қўйганмиз (1-жадвал).

1-жадвал.

**Ривожланаётган мамлакатларнинг инновацион фаоллик кўрсаткичлари, (%)**

Кўрсаткичлар	МО ва Шарқий Европа	Даромади ўртачадан паст мамлакатлар	Ўзбекистон
ИТТКИ га харажатлар	25,1	17,1	34,8
Маҳсулотли инновацияларни жорий қилганлар	28,6	36	23,2
Жараёнли инновацияларни жорий қилганлар	19,7	35,4	14,4

*Манба: муаллиф томонидан тузилган<sup>7</sup>.*

<sup>1</sup> Яковлев А.Е., Плеханов А.В. Научно-технический прогресс и инновации в современной экономике: учеб. пособие. Чебоксары: Изд-во Чуваш. ун-та, 2003.

<sup>2</sup> Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент: учебник для вузов. М.: ЗАО «Бизнес-школа «Интел-Синтез», 1998.

<sup>3</sup> Барсукова Е.Л., Сарычев В.А. Инновация как экономическая категория //Инновации. – 2008. – №. 2. – С. 20-23.

<sup>4</sup> Kraemer-Mbula, E. and W. Wamae (eds.) (2010), Innovation and the Development Agenda, OECD Publishing, Paris, <https://doi.org/10.1787/9789264088924-en>.

<sup>5</sup> Пардаев М., Мамасоатов Т. Модернизация, диверсификация ва инновация – иқтисодий ўсишни муҳим омиллари. Монография – Т.: “Наврўз”, 2014.

<sup>6</sup> Zaichenko S.A. Development of innovations in sphere of services // Forsyte. 2007, No. 1. P. 30

<sup>7</sup> Инновационная активность компаний в Узбекистане. <https://news.myseldon.com/ru/news/index/262788213>

1-жадвал таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда инновацияларни жорий этаётган ва инновацион ривожланиш йўлидан бораётган компанияларнинг улуши етарлича юқори эмас. Бу ҳолат инновацияларни жорий этишнинг юқори хатар билан боғлиқлиги билан изоҳланади. Марказий Осиё ва Шарқий Европа давлатларига нисбатан Ўзбекистонда ИТТКИ харажатлари 9,7% га, даромади ўртачадан паст бўлган мамлакатларга нисбатан эса 17,7% га кўпдир. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Марказий Осиё ва Шарқий Европа мамлакатларидан маҳсулотли инновацияларни жорий этиш бўйича 5,6%, даромади ўртача кўрсаткичдан паст бўлган мамлакатлардан эса 13,2% га ортда қолмоқда. Жараёнли инновациялардан фойдаланиш хизмат кўрсатиш соҳасига хос бўлгани ҳолда, бу борада Ўзбекистон юқорида санаб ўтилган Марказий Осиё ва Шарқий Европа мамлакатларидан 5,3%, даромадлари ўртачадан паст бўлган мамлакатлардан эса қарийб 50% орқада қолмоқда<sup>1</sup>.


Корхона ва ташкилотларда инновацияларнинг жорий этилиши натижасида меҳнат унумдорлиги ошади, буни қуйидаги жадвал маълумотлари яққол кўрсатиб турибди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал.

**Битта ходимга тўғри келувчи меҳнат унумдорлиги, (млн. сўм)**

Кўрсаткичлар	Инновацияларни жорий қилмаганлар	Инновацияларни жорий қилганлар
Маҳсулотли инновациялар	55	67
Жараёнли инновациялар	55	81
ИТТКИга харажатлар	57	88
Илғор ташқи билимларни қўллаганлар	57	76
Инновацияларни жорий қилишда ўз ички салоҳиятидан фойдаланганлар	54	98
Инновацияларни жорий қилиш учун ташқи экспертлар/фирмаларни жалб қилганлар	56	100

Манба: муаллиф томонидан тузилган<sup>2</sup>.



**1-расм. Мулкчилик шакллари кесимида инновацион фаолиятга жалб қилинган фирмалар улуши, (%)**


Манба: муаллиф томонидан тузилган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Инновационная активность компаний в Узбекистане. <https://news.myseldon.com/ru/news/index/262788213>

<sup>2</sup> Инновационная активность компаний в Узбекистане. <https://news.myseldon.com/ru/news/index/262788213>

2-жадвалдаги маълумотлар жараёнли инновациялар ва шунингдек, ИТТКИга харажатларни амалга оширган маҳаллий корхона ва ташкилотлар меҳнат унумдорлигини ошириш борасида сезиларли натижаларга эришганликларини кўрсатади.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, маҳсулотли инновацияларда инновацияларни жорий қилган давлат корхоналарининг улуши энг катта бўлиб, 36% ни ташкил қилади, жараёнли инновацияларда эса энг катта улушни (24%) Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижий фирмалар эгаллайди. Шунингдек, Ўзбекистонда инновацион фаолият асосан давлат секторидида тўпланган бўлиб, бу ерда ИТТКИ харажатлари тахминан 15% ни, хусусий секторда эса атиги 7% ни ташкил қилади. 1-расмда келтирилган маълумотларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, инновацияларни жорий этишда энг фаоли – бу давлат корхона ва ташкилотларидир.



**2-расм. Фирмаларнинг кўлами кесимида инновацион фаолиятга жалб қилинган фирмалар улуши**

Манба: муаллиф томонидан тузилган<sup>2</sup>.


Турли ўлчамдаги корхона ва фирмаларга нисбатан шуни таъкидлаш керакки, маҳсулотли инновацияларда йирик фирмаларнинг улуши 32% ни, ўрта фирмаларнинг улуши 30% ва кичик фирмаларнинг улуши 28% ни ташкил қилади. Жараёнли инновацияларда ҳам йирик корхоналарнинг улуши энг катта қийматга, яъни 22% га тенг бўлсада, маҳсулотли инновацияларга нисбатан 10% га камдир. Шунингдек, 2-расмдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, йирик корхоналар ИТТКИ учун маблағ йўналтириш имкониятига эгадирлар, бу эса ўз навбатида уларга товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш борасида ўз ишланмаларини жорий этишга имкон беради.

Шу билан бир қаторда, юқоридаги расм маълумотлари таҳлили йирик корхоналар инновацияларни ривожлантириш борасида етакчилик мавқеини кўлдан бермаётганликларини кўрсатади.

Бозорда 6-10 йиллик иш тажрибасига эга бўлган корхона ва ташкилотлар маҳсулотли инновацияларни ривожлантиришда 33% афзалликка эга бўлса, жараёнли инновацияларда етакчи ўринни 11-20 йиллик иш тажрибасига эга бўлган корхоналар эгаллайди, бундай корхоналарнинг улуши 22% ни ташкил қилади. ИТТКИ харажатлари борасида 6 йилдан 10 йилгача ва 11 йилдан 20 йилгача бўлган тажрибага эга корхоналар инновацияларни ривожлантиришга тенг равишда сармоя киритадилар (3-расмга қаранг).

<sup>1</sup> Инновационная активность компаний в Узбекистане. <https://news.myseldon.com/ru/news/index/262788213>

<sup>2</sup> Инновационная активность компаний в Узбекистане. <https://news.myseldon.com/ru/news/index/262788213>



**3-расм. Фаолият давомийлиги кесимида инновацион фаолиятга жалб қилинган фирмалар улуши**

*Манба: муаллиф томонидан тузилган<sup>1</sup>.*

Ўзбекистон корхоналарининг инновацион фаоллигини таҳлил қилиш натижасида ҳар қандай мамлакатнинг илмий-техник тараққиёти мамлакат иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи эканлигини сезиш қийин эмас. Илмий-техник тараққиётнинг янги босқичи, жаҳон иқтисодиётини таркибий қайта қуриш шароитида аксарият дунё мамлакатлари олдида илмий-техник ва саноат соҳасида тўпланган ютуқ ва имкониятлардан кенг кўламли фойдаланиш масаласи кўндаланг қўяди.

Бугунги кунда XX асрнинг сўнгги 20 йили ва XXI аср бошларига илмий-техник инновацияларни амалга ошириш даври сифатида баҳо бериш умумэтироф этилади. Илмий-техник тараққиётнинг айна мазкур унсури илмий-техникавий ютуқлар билан биргаликда иқтисодий турғунлик даврида иқтисодиётни тиклаш ва унинг меъёрда фаолият кўрсатиши борасида рақобатбардошликни таъминлашга имкон беради<sup>2</sup>.

1990-йилларда АҚШдаги барча инвестицияларнинг 60% ахборот технологиялари соҳасига тўғри келди ва ушбу технологияларни ишлаб чиқарадиган ва ишлатадиган соҳаларда (биринчи навбатда хизмат кўрсатиш соҳасида) бандлик даражаси ошди. Бу тармоқларда иш ҳақи иқтисодиётдаги ўртача даражадан 80% юқори бўлиб, меҳнат унумдорлиги йилига ўртача 42% га ўсди. Гарчи ахборот технологиялари (ИТ) соҳасининг ЯИМ таркибидаги улуши 1,2% ни ташкил этсада, иқтисодиётнинг ўсиши ИТ соҳасининг ўсиши билан боғлиқ эди.

ИТ каби тез ўсиш имкониятига эга бўлган тармоқлар инновация ва инсон ресурсларини ривожлантиришга инвестицияларнинг юқори улуши туфайли юқори технологияли тармоқлар деб аталади. Бундан ташқари, мазкур соҳага электроника, тиббий хизматлар, бизнес хизматлар ва бошқаларни ҳам киритишимиз мумкин.

2018 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда аҳоли ва корхоналарга жорий нархларда кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ўсиш суръатига эга бўлсада, аммо хизматларнинг ЯИМ таркибидаги улушини таҳлил қилишда бирмунча объектив вазиятни ҳисобга олиб иш кўриш талаб қилинади. Ўрганилаётган даврда ЯИМ таркибида хизматларнинг улуши аста-секин ўсиб бораётганлиги, бу эса мамлакатда хизматларнинг аҳамияти тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Ҳозирги вақтда хизматларни яратишда техник жиҳатдан янги турдаги ускуналарни

<sup>1</sup> Инновационная активность компаний в Узбекистане. <https://news.myseldon.com/ru/news/index/262788213>

<sup>2</sup> Туккель И.Л. Управление инновационными проектами: учебник / И. Л. Туккель, А. В. Сурина, Н. Б. Культин / Под ред. И. Л. Туккеля. — СПб: БХВ-Петербург, 2011. — 416 с.

жорий этиш, шунингдек хизмат кўрсатиш соҳасидан фойдаланган ҳолда техник ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган инновацияларнинг кенг тарқалган турлари мавжуд.

Давлат хусусий секторга инновацияларни жорий этиш учун имтиёзлар яратиши керак. Буларга корхонанинг экспорт фаолиятини рағбатлантириш ёки корхона ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича (энергия тежаш, меҳнат унумдорлиги, сувни тежаш, капитал самарадорлиги ва бошқалар) чора-тадбирларни киритишимиз мумкин.

Пандемия ва пандемиядан кейинги даврда иқтисодий ва ижтимоий соҳани рақамлаштириш дунё иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим кучига айланиб улгурди, бу компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда хизмат турларининг кўпайишига ёрдам берди ва шу билан инновациялар ахборот технологиялари соҳасида жадал ривожланиш суръатига эга бўлди. Буларнинг натижасида хизматлар соҳасида инновацияларнинг куйидаги турларини кўриб чиқишга эҳтиёж пайдо бўлди:

– технологик инновациялар – инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган янги ускуналарни жорий этиш доирасида кўрсатиладиган хизматлар;

– ташкилий-техник – ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш соҳасида янги стандартларни жорий этиш билан боғлиқ хизматлар;

– бошқарув – биринчи навбатда, ташкилотнинг ташқи ва ички алоқаларини йўлга қўйиш жараёнларини бошқаришга қаратилган хизматлар;

– ташкилий-бошқарув – корхонанинг бизнес-жараёнларини такомиллаштириш, бошқарувнинг янги усулларини такомиллаштириш ёки жорий этишга қаратилган хизматлар;

– сервис инновациялари – истеъмолчиларининг эҳтиёжларини янада самарали қондиришни таъминлашга, хизматга янги сифат беришга қаратилган хизматлар;

– ижтимоий-иқтисодий – ижтимоий ва иқтисодий соҳада ўзгаришларни амалга ошириш, шунингдек меҳнат шароитларини яхшилаш ва аҳоли турмуш сифатини оширишга қаратилган хизматлар;

– молиявий – янги молиявий ва ахборот воситаларини жалб қилиш йўли билан турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолига кўрсатиладиган молиявий хизматларни кенгайтириш имконини берадиган молиявий операцияларни ривожлантиришга қаратилган хизматлар;

– комплекс – сервис ташкилотлари фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олувчи комплекс хизматлар.

**Хулоса ва таклифлар.** Ўтказилган тадқиқотлар натижасида куйидаги сабабларга кўра инновацион ривожланиш асосида хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш мумкин деган хулосага келиш мумкин:

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш, хўжалик юритувчи субъектларни инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарда диверсификациялашни амалга ошириш, уларнинг иқтисодий муваффақиятга эришишларига имкон бериш;

– турли хил хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида вертикал ва горизонтал алоқаларни ривожлантириш.

Ўзбекистонда инновацияларни ривожлантиришга устуворлик берилиши куйидаги натижаларга эришиш имконини беради:

– мамлакатнинг иқтисодий ўсиши натижасида ЯИМдаги хизматлар улушини ошириш;

– мамлакат корхона ва ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва турларини кенгайтириш, бу эса ўз навбатида, ташқи бозорда рақобатнинг кучайишига олиб келади;

– хизматлар кўрсатишда стандартлар ва нормаларни тартибга солувчи қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар доирасини кенгайтириш;

- бозор улушининг ўсишига, потенциал харидорлар доирасини кенгайтиришга, бозорнинг янги сегментларини эгаллашга, корхоналарнинг бозордаги мавқеини барқарорлаштиришга ва мустаҳкамлашга олиб келади;
- ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига сабаб бўлади.

<b>Ф. Сафаров</b>	<b>F. Safarov</b>
<b>Состояние и перспективы внедрения инноваций на предприятиях сферы услуг</b>	<b>State and prospects of introduction of innovations in the enterprises of the service sector</b>
<p><b>Аннотация.</b> В статье рассматривается роль и значение инноваций в развитии сферы услуг. В ней рассмотрено состояние внедрения инноваций на предприятиях нашей страны по их видам. Также упоминаются инновации, характерные для сферы услуг. По результатам исследования даются соответствующие выводы и предложения.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> инновации, услуги, продуктовые инновации, процессные инновации, НИОКР, информационные технологии.</p>	<p><b>Abstract.</b> The article deals with the role and importance of innovations in the development of the service sector. It considers the state of introduction of innovations at the enterprises of our country by their types. Innovations specific to the service sector are also mentioned. According to the results of the study, relevant conclusions and suggestions are given.</p> <p><b>Keywords:</b> innovation, services, product innovation, process innovation, R&amp;D, information technology.</p>

**Насиба Рахматуллаевна Эргашева – ҚарМИИ, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси ўқитувчиси**

### **АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ**

<p><b>Аннотация.</b> Ушбу мақолада аутсорсинг хизматларининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти уни янада ривожлантириш, шунингдек, аутсорсинг корхона ва ташкилотларининг тегишли фаолиятини замонавий рақамли технологияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқиш ва мамлакат бозорига тарғиб қилиш йўллари очиб берилган.</p> <p><b>Калит сўзлар.</b> Аутсорсинг, хизматлар, рақамли технология, ҳисоб-китоб, аутсорсинг бозори, аутсорсинг сифати, молиявий ҳисобот.</p>
--

**Кириш.** Бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритувчи субъектларнинг стратегик мақсади рақобатдош устунликларни таъминлаш ва рақобатбардошликни оширишдан иборат. Уни амалга ошириш бошқарув технологияларини такомиллаштиришни назарда тутлади. Бундай воситалардан бири жаҳон амалиётида иқтисодий муваффақиятларнинг муҳим омилига айланиб бораётган замонавий хизмат тури сифатида аутсорсингдир. Бу шуни кўрсатадики, бундай хизматлар истеъмолчилари учун маълум имтиёзлар мавжуд.

Жаҳон иқтисодий маконига интеграциялашув ва иқтисодиётнинг очиклиги мамлакатимизда ҳам хизмат кўрсатиш бозори сегментларидан бирини эгаллаш учун аутсорсингнинг шартларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистонда аутсорсинг хизматларининг юқори даражада ривожланмаганлигининг муҳим муаммоси маҳаллий амалиётга нисбатан аутсорсинг хизматларини амалга оширишнинг батафсил механизми, шу жумладан шартномани бажаришнинг барча босқичларида аутсорсингга бўлган эҳтиёжни баҳолаш ва шериклик муносабатларини тартибга солишнинг аниқ иқтисодий усуллари йўқлиги.

Ушбу муаммонинг долзарблиги ҳозирги вақтда аутсорсинг хизматларининг назарий асослари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ва Ўзбекистон Республикаси корхоналари учун бизнесга йўналтирилган тузилмаларни яратиш зарурати контекстида аутсорсинг хизматларидан фойдаланишнинг келишилган механизмига тўғридан тўғри тарзда киритилган амалий услубий ишланмаларнинг йўқлигидадир.

Ҳозирги вақтдаги ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, аутсорсинг хизматларининг иқтисо-

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023